



Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Расмий хабар

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 5 февраль куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг 30 фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам бой — машина ва усуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металллар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озик-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги махсўтлари.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 527 корхона, Россия фирма ва компанияларининг 139 ваколатхонаси ишлаб турибди.

Москвада бўлиб ўтадиган музокараларда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

(Ўза)

- 2 Ҳамид телефончи ҳормасин! 3 «Маҳалламизнинг номи Аэропорт...» 4 «Ўғлима ўхшайди, овозинг сани...»
52 та работ, 16 та кўприк, 20 та ҳовуз қурдирган аллома Алламаҳалда бежо юрган аёллар Эшимбойнинг эшиги қийшиқ, фаросати кам!

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Кўнгилга сафар...

Кўнги — гул, руҳни тўйинтирувчи. Кўнги — ойна, унда ҳар ким фақат ўзини кўради ва кўз-кўз этади. Кўнги — шаффоф биллур. Заррача ғубор унинг шаффофлигига соя солади ва кўз илғамас дарз ҳам биллурнинг тақдорланмас жарангини бузиши мумкин.

“Бир кўнги истадим...” деган нола эшитилади асрлар қағридан. Унинг сўровлари беманзил, таширлари беадад. Бир кўнги истаганда сафарга чоғланаман.

Навоий — буюк шоир! Унинг буюклиги ижтимоий ҳаётга оид турфа мавзуларни, ҳар қандай сўзни, фикрни шевга таслим қила олгандамикан!..


Алишербекни навоилар оламнинг Навоийси этган унинг гул кўнги эмасми? Ҳаётнинг катта-кичик ташвишларидан озорланиб, бир чимдим таскин қидираётганмидингиз? Ҳеч иккиланмай, кўнгилингизга, кўнгиларга сафарга чоғланинг. Кўнгилингизни, кўнгиларни уйғотинг. Уларга бедорлиғи беморлиғ беринг. Бедорлиғи, гафлат тамбасидан озод, беморлиғи, меҳрдан, ишқдан бошқа малҳамга бўй бермайдиган.

Олақоронги хона. Ойнинг ғариб шўғласи тушиб турган дераза ёнида китоб жавони. Муқовасига “Алишер Навоий” деб битилган китоб. Уни қоронғида ҳам адашмай топши мумкин.

Қироатсиз ҳижжашаша-да изн бермагўвчи сатрлар. Ярим ҳадик, ярим танбех билан кўнгилга бўлайман. Бирйўла ҳам ўқиб, ҳам кўйлаш... Ҳар бир сўз, ҳар бир жумла навоилар доялиғида бина бўлганини нега кеч англадим-а?..

Мана, бир китоб завок. “Қаро кўзим” орқали кўнгилга етиши мумкин. “Топмадим” билан кўнгилини топши мумкин.

Махмуда ҚОДИРОВА



Коллаж муаллифи Р.ГАЛИЕВ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Вилоятдаги “Урганч ўт ўрнни машиналари” корхонасига молиявий соғломлаштириш тадбирлари олиб борилган босқун айланиши ишлаб чиқариш қувавати сезиларли ортди.

— Молиявий соғломлаштириш тадбирларини бу йил ҳам ишчилар давом эттириш, экспорт ҳажмини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Отабой Отажонов. — Ҳужайра илд миңг 700 АҚШ доллариди қишлоқ ҳўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмларга тайёрланиб, ҳоржлик буржумчиликка жўнатилди.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, Уза муҳбири.



— Яна нима дейсиз? — Навоийдан тагин бир байт ўқинг...

Фармон берган имкон Қорақалпоғистон Республикаси

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ёш оилалар учун ўзига хос ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ёш оилалар учун дўконлар

“Халқ банки” бўлими ўзининг ички имкониятлари ҳисобидан 1,5 миллиард сўм маблағ сарфлаб, жойларда ёш оилаларга сервис ва савдо хизмати кўрсатиш марказларини ташкил қилди. Хусусан, Ҳўжайли шаҳридаги кўптармоқли “Муҳаммад—Нурултон” фирмаси имтиёзли кредит ҳисобидан ёш оилаларга зарур бўлган моллар билан савдо қилувчи махсус дўконни ишга туширди.

Асил БЕК, “Mahalla” муҳбири.

Юртимиз спортчилари говруғи

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Тailand пойтахти Бангкок шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги Федерация кубоғи мусобақасининг Деви ва Оксания минтақаси биринчи гуруҳи беллашувлари якунланди.

Ўзбекистон терма жамоаси “В” гуруҳида Хитой Тайпейи, Таиланд ва Сянган теннисчилари билан рақобатлашди.

Терма жамоамизнинг Хитой Тайпейига қарши биринчи учрашувида Ирода Тулаганова Су Вей Хсиехни 6:7, 6:3, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди. Оқул Омонмуродова эса Янг Жан Чан устидан 6:0, 6:2 ҳисобида зафар кўчди. Жуфтликлар беллашувида Хитой Тайпейи вакиллари Чиа Жанг Чун ва Янг Жанг Чан ҳамюртларимиз Влада Екшибарова ҳамда Альбина Хабидуллинани 6:1, 7:5 ҳисобида мағлۇбиятга учратган бўлса-да, учрашув 2:1 ҳисобида ўзбекистонликлар фойдасига хал бўлди.

Ҳамюртларимизнинг мусобақа мезбони — Таиланд терма жамоасига қарши ўтказган учрашуви ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Ирода Тулаганова Сучанун Виратпрасертга қарши ўтказилган баҳсининг биринчи сетиди рақибасига 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Навоий вилояти

“САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ” ЯНА САФАРДА

“Экосан” халқаро ташкилоти ва “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик компанияси Ёшлар йилида Оролбўйи минтақаси ва экологик шароити оғир бўлган бошқа ҳудудлардаги ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва талабаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида “Экосан — Ўзбекистон темир йўллари” саломатлик поезди лойиҳасини давом эттирмоқда.

Мақсуд поезддан умумий қиймати 32 миллион сўмлик иссиқ кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшақ гилофлари, санитария-гигиена молларидан иборат инсонпарварлик ёрдами жой олган бўлиб, улар вилоятнинг Нурота, Қонимех, Хатирчи, Навбахор, Кармана, Қизилтепа ва бошқа туманларидаги ижтимоий объектлар, ўқув ҳамда тиббиёт муассасаларига, шуниңдек, эҳтиёжманд аёллар ҳамда кам таъминланган ёш оилаларнинг фарзандларига топширилади.

МУХБИРИМИЗ

Сарҳисоб

ИСЛОҲОТЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, давлат ва жамият ишларидаги фаол иштирокини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Фаолиятнинг ўрни катта эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилишида Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазиirlар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарориди белгиланган вазиrлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ислоҳотларни тўлақонли амалга оширишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бизнинг энг яқин ва ишончли кўмакчимиз, — деди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова. — Шу боис жойларда маслаҳатчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва малакасини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ташкил этиляпти. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш бир томондан оила иқтисоди учун фойда бўлса, иккинчи томондан аёллар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни асраш, оилада тиббий маданиятни оқсатириш борасида олиб борилётган ишлар ҳам батафсил таҳлил этилди ва бу болада йўл қўйилётган айрим камчиликларни бартираф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Шуниңдек, йиғилишда Ёшлар йилида иқтисодли қизларни рағбатлантириш, уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этиш ва салоҳиятли ёшларнинг ҳамжиҳатлигини қучайтириш мақсадида ташкил этилётган “Лидер қизлар анжумани” режалари ҳам тасдиқланди.

Ш.ЭРҒАШЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Mahalla Тахририйт манзили: Тошкент, Мағбўтчилар, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлиғида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассасалар: Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жағмармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририйатининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг колган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайеурган арғзал.





